*Президент фармонлари қандай бажарилмоқда?*

# ФЕРМЕР — КАТТА ИШБИЛАРМОН

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг деҳқон (фермер) хўжаликларини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш чоралари тўғрисида чиқарган фармон ва қарорларидан кейин орадан бир йил ўтди. Шу давр ичида хўжалик юритишнинг бу янгича иқтисодий усулларига ўтишда жумҳурият ва вилоятимизда ҳам олға қараб жиддий қадам ташланмоқда. Аммо бу соҳада ҳали ечимини кутаётган муаммолар талайгина.

Вилоятимизда айни пайтда бир ярим мингга яқин деҳқон хўжалиги ташкил этилган. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам иқтисодий жиҳатдан ўзини мустаҳкамлаб ололгани йўқ. Сабаби, хайрли ишга бел боғлаган деҳқонларнинг ташаббуси ҳамма раҳбарга ҳам маъқул бўлмаяпти. Деҳқон хўжалиги аъзоларининг кўпчилиги ер олиш, банкда жорий ҳисобини очиш, мол, ем-хашак, техника, ёқилғи маҳсулотлари, қурилиш материаллари харид қилиш учун пул ўтказиш, ишонч қоғози олиш каби ташкилий ишларда турли тўсиқларга дуч келишаяпти. Мисол учун Самарқанд районидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигида «Восток» деҳқон хўжалиги (бошлиғи Носир Розиқов) уч йилдан буён 30 бош қорамол боқаяпти. Ҳозиргача давлатга 200 тоннадан зиёд сут топширди. Аммо у молларни боқишда катта қийинчиликларга дуч келмоқда. Унга жамоа хўжалиги (раиси Баҳора Облоқулова) озуқа етиштириш учун ер ажратмаяпти. Ем-хашакни сотиб олиш эса қимматга тушмоқда. Моллар боқилаётган иморат эски. Молхонани хусусий қилиб беришдан эса турган гап, раҳбарлар бош тортишаяпти. Бу борада Самарқанд райони раҳбарлари сусткашликка йўл қўймоқдалар. Район бўйича бор-йўғи 18 фермер хўжалиги мавжуд, бириктилган мутасаддиларнинг иши кўзга кўринмаяпти. Ёки Нуробод районидаги «Ўзбекистон» давлат хўжалигида шундай хайрли ишга қўл урган Э. Эшдавлатов, Д. Бердиев, А. Норқораев, С. Муродовни олайлик. Улар ер ва зарур ҳужжатларни тўғрилай олмай овора. Хўжалик раҳбари Т. Раҳимов, район деҳқончилик-саноат уюшмаси раиси А. Ким тадбиркорларга ер ажратиб бериш, моддий ёрдам кўрсатишни пайсалга солмоқдалар.

Булунғур районидаги «Мингчинор» давлат хўжалиги раҳбарлари (директори М. Турсунбоев) эса вилоятдаги мутасадди ташкилотларни рўкач қилиб, чорвачилик йўналиши бўйича иш олиб бораётган «Олмазор» фермер хўжалигига қарашли ерларни район ҳокимининг қарорисиз бошқа кишиларга бериб қўйишган. Шу райондаги «Озодлик» фермер хўжалиги қаровсиз узумзорни бир йил ичида тартибга солиб, 500—600 минг сўм даромад билан чиқаётган, эндигина ишлар йўлга қўйилган бир пайтда баъзи раҳбарлар унга ўгай кўз билан қараётганлигини қандай изоҳлаш мумкин?

Айрим раҳбарлар деҳқон хўжаликлари бошлиқларига банкдан пул олиш учун ишонч қоғози, банк ходимлари эса уларнинг ойлик маошларини беришда, техника, ем-хашак ва қурилиш материалларини сотиб олишда турли важ-карсонларни рўкач қилмоқдалар. Бу ишнинг олға силжишига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмаяпти, албатта.

Табиийки, синалмаган йўл оғир кечади. Каттақўрғон районидаги Мичурин номли давлат хўжалигидан Д. Ҳамидов 41 минг сўм қарз олиб, чорвачилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил этган эди. Район ветеринария идораси, давлат хўжалиги раҳбарларининг тегишли ёрдам кўрсатмаганлиги ва келишмовчилиги сабабли 30 бош молдан 12 таси нобуд бўлди. Лекин Д. Ҳамидов аҳдидан қайтмади. Не машаққатлар билан ташкил этган хўжалигини ғаллачиликка ихтисослаштириб олди, қарздан батамом қутилиб, 1992 йили ундан 300 минг сўм атрофида даромад кўрди.

Фермер бўлиш учун фақат хоҳишнинг ўзигина эмас, балки ҳар томонлама билим ва ташкилотчилик қобилияти ҳам талаб этилади. Бунинг устига агроном, иқтисодчи, ҳуқуқшунос ва бошқа мутахассисликлар бўйича касб-ҳунар эгаси бўлса — нур устига аъло нур. Лекин шундай фермерлар ҳам учраб турадики, улар ўз манфаатини халқ манфаатидан устун қўйишмоқда. Баъзи бирлари шартномада белгиланган маҳсулотларни давлат ёки жамоа хўжаликларига топширмай ўз чўнтакларини қаппайтириб олишни ўйламоқдалар. Бунга айрим мисолларни келтириш мумкин. Каттақўрғон районидаги «Андоқ» давлат хўжалигидан Орзиқул Ҳакимов раҳбар бўлган «Меҳнат» деҳқон хўжалиги, минг афсуски, шартномасиз иш юритиб келмоқда. Ваҳоланки, унга 25 гектар ер ажратилган. Негадир у ғалла, пиёз ва бошқа маҳсулотлар топширишни хаёлига ҳам келтирмаган. Бундай фермер хўжаликларининг иши халқ манфаатларига мос тушмайди.

Шуни айтиш керакки, том маънодаги деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун ҳали кўп изланишлар талаб этилади. Биринчидан, унинг ҳуқуқий қонун-қоидаларини ишлаб чиқиш, мазкур ҳужжатнинг ҳар томонлама ҳаётийлигини таъминлаш зарур. Бу хайрли ишни кенг ривожлантиришда хўжалик раҳбарларининг хайрихоҳлиги шарт ҳисобланади. Тўғри, ишбилармоннинг ўзига ҳам кўп нарса боғлиқ. Шуни унутмаслик керакки, қарс икки қўлдан чиқади деганларидек, ҳар қандай шароитда ҳам эл-юрт манфаатидан келиб чиқиб иш юритиш бугуннинг талабларига мос келади. Тадбиркорликда, ишчанликда гап кўп.

Оқдарё районидаги Бобур номли жамоа хўжалигидан ака-ука Раббимовлар, «Даҳбед» давлат хўжалигидан И. Раҳмонов, Пахтачи районидаги «Навбаҳор» давлат хўжалигидан Т. Шониев, Булунғур районидаги «Мингчинор» давлат хўжалигидан А. Усмонов, «Ғалабанинг 40 йиллиги» давлат хўжалигидан Т. Рисбоев, Тойлоқ районидаги «Боғизоғон» давлат хўжалигидан Т. Абдурасулов сингари ишбилармонларни шундайлар сирасига киритиш мумкин. Улар айни чоғда четдан ёрдам кутиб ўтирмасдан ўзларининг ташаббус ва ташкилотчилигини ишга солган ҳолда гўшт, сут, тухум ва бошқа маҳсулотлар етиштириш бўйича шартномада кўрсатилган режаларни ошиғи билан адо этишга муваффақ бўлмоқдалар. Давлатдан олган қарзларини ҳам узиб, йилни фойда билан якунладилар. Айрим деҳқон-фермер хўжаликлари 500 минг сўмдан то 2,5—3 миллион сўмгача даромад олишга муваффақ бўлдилар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Афсуски, ҳамма жойларда ҳам ишлар шу даражада ташкил этилган, деб бўлмайди. Кўпгина район деҳқончилик-саноат уюшмалари ва айрим мутасадди раҳбарларнинг бу борада кўрсатаётган ёрдами, ташаббускорлиги унчалик сезилмаётир. Вилоят ва район ҳокимликлари Президент Фармонларини изчил амалга оширишда ташаббусни ўз қўлларига олишмаяпти. Бугунги кунда деҳқон-фермер хўжаликлари ишини ҳар томонлама тараққий эттириш кечиктириб бўлмайдиган вазифадир.

Бу вазифани муваффақиятли ҳал этишда бозор иқтисодиёти тўсиқлари учраб турибди. Чунончи, қурилиш материаллари, иш қуроллари, уруғлик, ўғит ва техника воситаларини харид қилишда бу муаммолар сезилиб қолаяпти. Бу ўринда уларга амалий ёрдам кўрсатилиши зарур.

Президент Фармонларида таъкидланганидек, таъминот ташкилотлари, савдо бошқармалари, матлубот жамиятлари, давлат ва жамоа хўжаликлари уларга ҳар томонлама ёрдам қўлини чўзишлари талаб этилади. Корхоналар ихчам иш қуроллари, кичик техника воситаларини тезроқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйишлари, агросаноат тармоқлари, ветеринария, химия, агрохимия, наслчилик соҳалари ўз йўналишлари бўйича деҳқон-фермер хўжаликларига пуллик хизматларни таклиф этишлари лозим. Негадир, буларнинг бирортаси ҳозирча амалга ошмаяпти.

Яна бир муҳим нарсани таъкидлаш жоиз. Деҳқон-фермер хўжаликларида ишлаётганларнинг меҳнат стажи, қарилик нафақасига чиқиш ҳуқуқи, дам олиш уйлари ва санаторийларга бориб даволанишлари, бунинг учун йўлланмалар билан таъминланишлари давлат ташкилотларида ишлаётган ишчилар билан тенг ҳуқуқли ва имтиёзли бўлиши зарур. Кўпгина жойларда масаланинг бу томони ҳисобга олинмаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бундай камчиликларни бартараф этиб, деҳқон-фермер хўжаликларини кўпайтириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш зарур. Ана шундагина мулкчиликни таъмин этишга салмоқли улуш қўшадиган бу янгича ишлаб чиқариш усули ўзини тўлиқ оқлайди.

**Нуриддин ҲАСАНОВ,**
**Самарқанд вилояти мева-сабзавотчилик ва узумчилик бирлашмасининг деҳқон-фермер хўжаликлари ишлари бўйича бош мутахассиси, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди.**

---

*Йиллар, одамлар, тақдирлар*

# ЖОНДАН КЕЧИБ

Украинанинг... 1946 йилнинг қирчиллама қиш чилласи. Ҳа, уруш тугаганига эндигина бир йил бўлган.

Ёвбосар Мирзаев оппоқ қорни ғарчғурч кечиб, шаҳдам қадамлар билан соқчилар томонидан қўриқланаётган бино томон бормоқда. Бу ерда резервда турган дивизиянинг полкига қарашли жанговар байроқ сақланади.

Ёвбосар постга яқинлашаркан, қуролнинг шарақлагани, кейин соқчининг буйруғи эшитилди:

— Тўхта! Яқинлашма! Огоҳлантиришсиз отаман!

Ёвбосар паролни айтди. Соқчи қоровуллар- бошлиғини овозидан таниб, пошналарини уриштирганча чаққонлик билан ахборот берди:

— Ўртоқ катта сержант! Жанговар байроқни қўриқлаб турибман. Хизмат вақтимда ҳеч қандай воқеа юз бермади.

Қоровуллар бошлиғи ичкарига кириб, байроқ сақланаётган бурчак сари йўл олди. Мана, тўсиқ ортидаги бурчакдан полк байроғи ўрин олган. Унинг икки томонида икки соқчи киприк қоқмай турибди. Ёвбосар одатдагидек кундалик ҳарбий юмушини бажаришга киришди: қўшни хона эшигининг қулфи ва муҳрини кўздан кечирди, байроқнинг сақланишини текширди. Кейин унинг қаршисида тиз чўкди. Ҳаяжондан юраги гуп-гуп урган ҳолда қўлдан-қўлга ўтавериб, ғадир-будир бўлган дастасига боқди, жанг майдонлари алангасида куйган, ўқ тешган жойларини авайлаб силади. Унга зарҳал ҳарфлар билан битилган: «Моторлаштирилган Қизил Байроқли Суворов ҳамда Богдан Хмельницкий орденлари нишондори Чапаев номидаги гвардиячи дивизияга қарашли полк» деган сўзларни яна бир карра ўқиди.

Байроқ баҳона бўлдию, хотирасидан Полтава учун бўлган қонли жанглар манзараси ўта бошлади. Қўмондонлик шаҳарни фашист босқинчилардан тозалашни полк жангчиларига топширганди. Айниқса, шаҳар остонасида жанглар қизиди. Гоҳ душман, гоҳ бизникиларнинг қўли баланд келарди. Бирдан гитлерчилар мадад келадиган йўлни кесиб қўйди. Ўқ-дори, озиқ-овқат оз қолганди. Устига-устак жангчилар сурункасига ҳужумда бўлганликлари учун ҳолдан тойгандилар. Кутилмаганда рўпарадан «тигрлар» бало-қазодек ўрмалаб кела бошлади. Полкнинг танкка қарши отадиган замбараклари эса дабдала бўлиб ётибди.

Орқа-олдинни кўриб бўлмасди: чанг-тўзон, тутун... Еру кўк танклардан отилаётган замбарак снарядларидан ларзада. Снарядлардан бири полк штабига келиб тушиши билан кучли портлашдан томга ёпилган шох-шаббалар ҳар томонга сочилиб кетди.

— Игорь Иванович, байроқ, жангчилар нима бўлди? — Ертўлаларнинг бирида полкни қўриқлаётган Ёвбосарнинг ёдидан ана шу савол ўтди. Бирданига чанг-тўзон орасида турган қизил байроққа кўзи тушди жангчининг. Штаб бошлиғи Игорь Иванович Туранский чеккасидан яраланган бўлса керак, юз-кўзи қонга беланганди. Бошқа жангчилар ҳам унга тикилганларича бир лаҳза қотиб қолдилар.



— Полтава учун, Ватан учун олға ўртоқлар! — Овозининг борича қичқирди штаб бошлиғи. Сўнгра мадори қуриб, қулай бошлади. Ёвбосар кўз очиб юмгунча И. И. Туранскийнинг ёнида пайдо бўлиб, уни суяб қолди. Қаердандир ҳамшира пайдо бўлди. Ёвбосар ортидан ертўладаги жангчилар отилиб чиқа бошладилар. Байроқ ҳамманинг кайфиятини кўтариб юборганди.

Ёвбосар қаёққа, қаергача чопиб борганини билмайди. Автоматларнинг тра-та-татаси, танк ғилдираги занжирларининг даҳшатли шилдираши, «ура» овозлари қулоғига чалинарди. Тўсатдан оёғи ўзига бўйсинмай қўйганини, кўз олди қоронғилашаётганлигини пайқади. Полкдоши харьковлик Николай Григорьевич Колодний уни қучоғига олиб, ерга аста ётқизганини, сўнгра байроқни қўлидан олиб, югуриб кетганини элас-элас эслади.

Ёвбосар икки кундан кейин касалхонада ўзига келди. Бошида елкасига оқ халат ташлаган заррин погонли дивизия қўмондони, генерал-майор Ю. Мартиросян турарди. Қўмондон Полтава душмандан тозаланганлигини, Ёвбосар ҳукумат мукофотига тақдим қилинганлигини айтиб, аскарнинг ёстиғини тузатиб қўйди. Граната боғламлари билан жангчилар душманнинг кўпгина танкларини ишдан чиқарганлигини, кечикиб бўлса ҳам мадад етиб келганлигини, пискентлик Бойматжон Одилов, новгородлик Виктор Куликов, тошкентлик Латиф Хўжаевлар жангда жасорат кўрсатганлигини соғайиб чиққач эшитди.

Соқчилар бошлиғи худди нонни ардоқлагандек, байроқ попукларини кўзларига суртиб, ўрнидан турди... Ёвбосар ўз хаёллари билан банд бўлиб, жанговар постдан казармага етиб келганини сезмай қолди. Штабга кириб, командирга навбатдаги ахборотни беришга киришувдики, гумбурлаган овоздан деворнинг шувоқлари кўчиб тушди. Дақиқа ўтмай штаб бошлиғининг адъютанти келиб, полк байроғи сақланаётган постда ёнғин чиққанини, бунга ўқ-дорилар портлаши сабаб бўлганини, жанговар тревога эълон қилинганлигини айтди.

Ёвбосар штабдан ўқдек отилиб чиқаркан, пост томонда осмон аланга ёғдусидан ёришиб кетганини кўрди. Жангчилар билан чопиб бораркан, ён-веридан ўт ўчириш машиналари чинқириб ўтар, уларнинг бошларидаги шлемлари ярақлаб, кўзни қамаштирарди.

Ёнғин устига етиб келгандагина оловнинг даҳшатини фаҳмлади. Чирсиллаб ҳар томонга учқунлар сачрар, ўт ўчирувчилар узун шлангларни судраб, ҳар томонга чопишар, аммо бирортасининг ичкарига киришга юраги бетламасди. Аланга ичида эшик қайда, дераза қайда — билиб бўлмас, олов тиллари қурбон талаб қилгандек ўнгга-чапга сапчирди.

— Соқчилар нима бўлди. жанговар байроқ нима бўлди? — ана шу фикр Ёвбосарнинг ярқ этиб миясидан ўтди. У эшикни мўлжаллаб туриб, ўзини ўт ичига урди. Бўғзига аччиқ тутун тўлиб, йўтал тутди, юзи, оёғи куя бошлади. Рўпарасидаги ёнаётган устун қулаб, уни босиб қолишга бир баҳя қолди. Деворларни пайпаслаб, байроқ сақланаётган бурчакда турганлигини пайқади. Шу пайт шипдан ғишт кўчиб тушиб, бошига тегди, ҳушидан кетаёзди, елкалари, тирсаги жазиллаб ачиша бошлади. Жон ҳолатда бурчакка қўл чўзган эди, қўли байроқ дастасига илинди. Уни куч билан чиқариб олди-да, қўйнига тиқиб, соқчи турадиган жойни пайпаслашга тушди. Ёнғин кучайгандан-кучайиб, ғишт парчалари, куйиб кўмир бўлаёзган ёғоч ғўлалар гоҳ олдига, гоҳ орқасига, гоҳ елкасига келиб тушарди.

Тўсатдан қулоғига инграш овози чалинди. Ўзини овоз келган томонга урди. «Бу соқчи!» — хаёлидан ўтди унинг. Девор тагида ярми тупроқ, ғишт парчалари ичида қолган гавдани илғаб олди. Уни даст кўтариб, елкасига олдида, қоқиниб-суриниб, аланга ичида ташқарига йўл қидира бошлади. Елкасида зилдай оғир гавда, бунинг устига тутун, чанг, ҳароратдан нафаси бўғилиб, томоғига нимадир тиқиларди. Ёвбосар ғафлатда қолса, аланга қаъридан тирик чиқолмаслигини тушунди.

— Фақат ҳаракат қилиш керак, ҳаракат! — дерди ўзига-ўзи у.

Олов билан қанча олишганини билмайди. Мана, энди судралишга эмас, нафас олишга ҳам мадори қолмади. Боши айланар, устма-уст ўқчир, чидаб бўлмас оғриқ бошланганди. Силласи қуриб, чўккалаб қолди. Бироқ қўли ҳанузгача елкасидаги соқчининг енгида эди. Шу пайт кимларнингдир бақувват қўллари уни суяб турғизаётганлигини билиб қолди. Ўт ўчирувчилар ёрдамга етиб келишганди. Ёвбосар ҳушидан кетди.

Дивизия қўмондони генерал-майор Ю. Мартиросян кийимлари тутаб турган, санитар машинасига ётқизилаётган Ёвбосарнинг тер қуюлаётган, куйган юзига оҳиста рўмолчасини босаркан, йигитга тикилди.

— Ўтда ёнмас, сувда чўкмас, ўқ ўтмас ўзбек бургути бу! — деди-да, йигитнинг қўйнидан полк байроғини чиқариб олди...

У урушдан киндик қони тўкилган Олтинкўлга кўкси тўла орден, медаллар билан қайтди. Уддабурон, ушлаган жойидан кесадиган, бошлаган ишини охирига етказадиган Ёвбосар олдин коммунал хўжалиги бўлими мудири бўлиб ишлади. Ҳарбийчасига тартиб, саришталик, тезкорликка ўрганган собиқ жангчи тумандаги коммунал хўжалиги ишларини оёққа турғизди.

Давлат тасарруфидаги яшашга қулай, данғиллама уй-жойларни туманнинг казо-казолари эгаллаб олган, бунинг устига улар турар жой ҳақини йиллаб тўламасликка одатлангандилар. Ёвбосар ака квартира ҳақини тўламаётган суд раисини, прокурорни, молия бўлими мудирини туман газетасида танқидий мақола билан чиқиб, фош этди, натижада хонадон эгаларидан 100 минг сўмга яқин маблағ ундирилиб, бўлим кассасига кирим қилинди.

Халқ олдида юзи шувит бўлган казо-казолар билан Ёвбосар ака орасида зимдан «жанг» қизиди. Юқори ташкилотларга Ёвбосар ака устидан туҳмат хатлари тушди. Унинг жанговар хизматлари, орден-медаллари шубҳа остига олинди. У ЖЭК бошлиқлигидан бозорком мудирлигига ўтказилди. Тунлари номаълум кимсалар уйига қўнғироқ қилиб, яқин орада турмага ташланиши ҳақида дўқ-пўписа қилардилар. Шу орада ёстиқдоши эри ҳақидаги иғво-туҳматларни кўтара олмай оламдан кўз юмди.

Аммо булар Ёвбосар аканинг жангларда тобланган метин иродасини буколмади. Мансабини суиистеъмол қилиб, квартира ҳақи тўлашдан бош тортган казо-казолар иши судга оширилди. Бир неча лавозимли шахслар ишдан олинди.

Собиқ жангчининг ишбилармонлиги билан қисқа вақт ичида ташландиқ бозор ўрнида гўшт дўкони, пичоқчилик, мисгарлик, ёғочни қайта ишлаш цехлари қурилиб, ишга туширилди. Қаловини топсангиз, қор ҳам ёнади.

Яқинда Ёвбосар ака билан учрашиб қолдик. Янги қурилган меҳмонхонадаги ишхонасида шахсий альбомини биргалашиб варақлашдик.

— Полкдошларнинг юбилей байрамлари менсиз ўтмайди, — деди қувониб отахон. Сўнгра Орёлнинг фашист босқинчиларидан озод этилганлигининг 40 йиллиги шарафига ёдгорлик пойида тушган суратни кўрсатди. Бир гуруҳ ҳарбий кийимдаги кишилар унинг елкасига қўл ташлаб турардилар. Отахон полкдошларининг таклифи билан у ерга борганди.

— Бу полтавалик биродарларим орасида тушган суратим, — деди ота сўзида давом этиб. Ёвбосар ака ҳар йили Ғалаба кунида полтаваликларнинг азиз меҳмони бўлади. Ҳатто Лубни шаҳридаги музейда Ёвбосар аканинг жангчи кийимидаги сурати ҳам сақланади. Уни полкдошлар қимматли ёдгорлик сифатида асрайдилар.

Ажойиб тақдирли инсон, етти фарзанднинг отаси Ёвбосар Мирзаев Олтинкўл тумани ҳокимининг фармойишига биноан «ГАЗ-69» автомашинаси билан тақдирланди.

**С. РЎЗИМАТОВ.**

---

# ТИЛ — ДИЛ КЎЗГУСИ

Жамият ва табиатдаги ҳар бир нарсанинг ўз номи бор. Фан-техника тараққиёти туфайли янги-янги кашфиётлар бўлаяпти. Натижада янги номлар, атамалар юзага келяпти. Жўғрофик-ҳудудий номлар биз энг кўп учратадиган ва зарурат юзасидан мурожаат этадиганлари сирасига киради. Ўзбек тилига давлат мақоми берилгач, миллий қадриятларимизни қайта тиклаш мақсадида бундай номларни қайта кўриб чиқишга, шу муносабат билан улардан кўпларини ўзгартиришга киришилди.

Шуни таъкидлаб ўтмоқ керакки, жумҳуриятимизда маҳаллий ҳокимият идораларининг қайта ташкил этилиши бу муҳим ишни янада яхшироқ йўлга қўйиш имконини бераяпти. Бизнинг район ҳокимияти ҳузурида 23 кишидан иборат давлат тилини амалга оширишга кўмаклашувчи ва 25 кишидан иборат бўлган атамалар бўйича комиссиялар фаолият кўрсатмоқда. Комиссиялар таркибига эл-юрт орасида катта ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган кишилар, зиёлилар, уруш ва меҳнат фахрийлари кирган. Биринчи комиссия ишига район ҳокимининг биринчи муовини Ғ. Эргашев, иккинчи комиссияга эса ҳоким муовини Т. Жалолов раҳбарлик қилмоқда. Ҳар иккиси ҳам ўз мажлисларини вақти-вақти билан ўтказиб туришади. Уларда комиссия ҳуқуқи доирасига кирувчи долзарб вазифалар кўриб чиқилмоқда ва тегишли тавсиялар қабул қилинмоқда. Атамалар комиссиясининг Ворошилов райони номини Сайхунобод деб, район маркази Верхневолинскни Сайхун посёлкаси деб ўзгартириш ҳақидаги тавсияси халқ депутатлари район Кенгаши сессиясида кўриб чиқилди. Бу ҳақдаги қарор аввало вилоят Кенгашининг сессиясида, сўнгра жумҳурият Олий Кенгашида тасдиқланди.

Комиссиямиз ўз мажлисларида М. Горький номли жамоа хўжалигини унинг биринчи ташкилотчиси ва узоқ йиллар давомида бошқарган марҳум Шариф бобо Раҳимов номи билан аташ тўғрисидаги масалани кўриб чиқиб, уни район Кенгаши сессияси тасдиғига тақдим этди. К. Маркс номли жамоа хўжалиги эндиликда Меҳнат Қаҳрамони, марҳум Қодирқул Султонов номи билан аталмоқда.

Шунингдек республика, вилоят атамалар комиссиялари таклифлари, тавсияларига мувофиқ районимиз хўжаликлари, аҳоли истиқоматгоҳлари, мактабларнинг номларини қайта кўриб чиқди. Свердлов номли жамоа хўжалиги бундан буён «Бирлашган», Куйбишев номли жамоа хўжалиги марҳум Турсунмат Ғуломов, «СССР 50 йиллиги» давлат хўжалиги «Янгиобод», «Ўзбекистон 50 йиллиги» давлат хўжалиги «Ўзбекистон» деб аталадиган бўлди. Шўрўзак қишлоқ кенгашининг Тельман истиқоматгоҳи бундан буён «Қаржау», Чкалов қишлоқ кенгашининг «Шамси» истиқоматгоҳи «Парпи ота», Иттифоқ қишлоқ кенгашининг «Победа» жамоа хўжалигидаги «Нижний Волинск» истиқоматгоҳи «Дўстлик», Ўзбекистон қишлоқ кенгашининг «Юксалиш» истиқоматгоҳи «Паймард» деб юритиладиган бўлди.

Бир қанча мактабларнинг номлари ҳам ўзгартирилди. Жумладан, 9-ўрта мактаб Қодирқул Султонов, 12-ўрта мактаб Бобур, 16-ўрта мактаб Абдулла Қодирий, 26-ўрта мактаб Аҳмад Яссавий, 29-тўлиқсиз ўрта мактаб Амир Темур, 13-ўрта мактаб Шароф Рашидов номи билан аталди.

Лекин атамалар комиссияси олдида ҳали жуда катта ҳажмдаги ишлар турибди. Аввало районимизда «Победа», «Қизил октябрь» жамоа хўжаликлари, «Социализм», «Партия XXVI съезди» асалчилик давлат хўжаликларининг номлари ҳали ўзгартирилганича йўқ.

Шунингдек, умумий таълим мактабларидан бир қисмининг номларини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Шундай дейишимга сабаб — бир хил номга эга бўлган иккитадан мактаб ҳам бор. Мисол: 6- ва 36-мактаблар Ҳамид Олимжон номи билан юритилаяпти.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, болалар боғчаларининг номларини қайта кўриб чиқсак нур устига аъло нур бўларди. Нега деганда иккита ва ҳатто учта боғча битта ном билан аталади.

Яна бир масала. Бу ном бериш ёки амалдаги номни ўзгартириш ҳужжатларнинг тўғри ва ҳамма талабларга жавоб берадиган ҳолда тайёрланишига эришишдир. Афсуски, бу муҳим иш жуда катта қийинчиликлар эвазига амалга оширилаяпти. Ҳужжатлар нотўғри ёки юзаки тайёрланаётганлиги учун тегишли кенгашларнинг ижроқўмларига қайта-қайта қайтариб юборилмоқда. Натижада йиғилиш ўтказилгани билан бу ҳақдаги ҳужжат атамалар комиссиясига тақдим этилгунгача бўлган давр бир-икки-ой, баъзан эса бундан ҳам кўпга чўзилмоқда.

Энди жумҳурият, вилоят атамалар комиссиясига истагимиз: шаҳар, район атамалар комиссияларининг раислари, котиблари билан вақти-вақти билан семинар-кенгашлар ўтказилса яхши бўларди. Яна бир муҳим масала бу районда, шаҳарда бор жўғрофий ҳудудий номларнинг шу ҳудуддаги бошқа бир жойга қайта қўйилишига йўл қўймаслик. Афсуски, бу ҳолга ҳанузгача чек қўйилган эмас. Мисол: ўтган йили 10 сентябрь куни «Партия XXVI съезди» асалчилик давлат хўжалиги ишчи-хизматчиларининг йиғилиши бўлди. Унда 73 киши қатнашди. Йиғилишда хўжалик номини ўзгартириш тўғрисидаги масала кўрилди. Шу масала бўйича хўжалик раҳбари Б. Жўраев сўзга чиқиб, давлат хўжалиги номини «Сайхун» деб ўзгартириш ҳақида таклиф киритган. Бу таклифни бош ҳисобчи М. Мамараҳимов, иш юритувчи К. Саломов, бош муҳандис Ш. Мирзаев, асалчилардан М. Ражабова, Сотиболдиева, Саиджалоловалар қўллаб-қувватлашди. Ваҳоланки, районимизнинг номи Сайхунобод, район марказининг номи эса Сайхун қўрғони бўлса-ю, бу хўжаликка ҳам «Сайхун» номи берилса, буни тўғри деб ҳисобласа бўладими?

Қоғозга ёзилиб қолган яхши ном мангу умрдир. Шундай экан ҳар бир номни яхши ўйлаб, кўплашиб, кенгашиб қўяйлик. Уларни бўлар-бўлмасга ўзгартиравермайлик. Энг муҳими, бу масалада маҳаллийчиликка йўл қўймайлик. Токи янги қўйган номимиз ҳам, ўзгартирилгани ҳам узукка қўйилган кўздек муносиб бўлсин.

**Холмўмин АЪЗАМОВ,**
**Сайхунобод район атамалар, давлат тилини амалга оширишга кўмаклашувчи комиссия котиби.**

---

**Зангиота районидаги «Наврўз» жамоа хўжалигининг иссиқхонасида иш қизғин. 8 гектар ерга помидор кўчатлари экиляпти. Омилкор деҳқонлар мазкур тармоқдан ҳам мўмай даромад олишмоқда.**

**СУРАТЛАРДА: 1. Колхоз бошқаруви раиси Б. Фозилов, звено бошлиғи М. Пайзиев ҳамда иссиқхона мудири С. Самиғов ниҳоллар сифатини кўздан кечиришяпти. 2. Помидор кўчатлари ўтқазилмоқда.**

Н. МУҲАММАДЖОНОВ суратга олган.





